

---

“Беш ташаббус олимпиадаси” мусобақасида ғолиб бўлган ёшларнинг маҳалласида спорт майдончалари қурилмоқда

[Аввал хабар берганимиздек](#), жорий йилги “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказилган оммавий спорт мусобақаларида Ўзбекистон тумани ёшлари ҳам муносиб иштирок этиб, баҳсларнинг Республика босқичида ғолиб ва совриндорлар қаторидан ўрин эгаллашган эди.

Хусусан, тумanning Абдурахмон Жомий, Давлатботир ва Оқмачит маҳаллаларида яшовчи йигит-қизлар спортнинг волейбол ва енгил атлетика турлари бўйича олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишган.



Мусобақанинг яна бир аҳамиятли жиҳати, турнирда ғолиб бўлган иштирокчиларнинг маҳаллаларига уч турдаги спорт майдончаларини қуриб бериш белгиланган.





Спортни ривожлантириш вазирлиги томонидан Абдурахмон Жомий номли маҳалласида универсал спорт майдончасининг қурилиш ишлари бошланди.

Маҳаллада жойлашган спорт мактаби ҳудудида қурилаётган 15x30 метрли майдонда мини-футбол, волейбол ва баскетбол спорт турлари билан шуғулланиш имконияти бўлади.

2022-11-01 08:44:55